



**ШАХС, ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ПУТУР  
ЕТКАЗУВЧИ МЕДИАМАКОНДАГИ АХБОРОТГА ТЕЗКОР ЖАВОБ  
ҚАЙТАРИШНИНГ СТРАТЕГИК ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ  
ЗАРУРИЯТИ ВА ТАРТИБИ**

*Анорбоев Амириддин Улужбек ўғли*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва  
ҳуқуқий сиёсат институти бош илмий ходими, ю.ф.б.ф.д. (PhD)*

*ORCID: <https://orcid.org/0009-0003-5355-8753>;*

*e-m: [a.anorboyev786@mail.ru](mailto:a.anorboyev786@mail.ru)*

**Аннотация**

Мақолада муаллиф шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига путур етказувчи медиамакондаги ахборотга тезкор жавоб қайтаришнинг стратегик тизимини жорий этиш зарурияти ва тартиби, давлат раҳбари бошчилигида давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилаётган ислоҳотларни аҳолига бузиб кўрсатиш орқали тарқатилаётган “деструктив ахборот”га қарши кураш масаласини кўриб чиққан. Шунингдек, бундай маълумотларнинг тезкор олдини олиш, танқидий фикрлардан тўғри хулоса чиқариш орқали ислоҳотларни янада жадаллаштириш ҳамда сиёсий ва ғоявий зарарли ахборотларга қарши замонавий сунъий интеллектга асосланган тизим яратиш зарурлигини таъкидлаган.

Муаллиф хорижий давлатлар тажрибаси асосида мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш орқали, давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар амалга ошираётган ислоҳотларнинг ҳақиқий моҳиятини медиамаконда аҳолига изчил етказиш ва бу жараённи янги босқичга кўтаришни таклиф қилган. Шунингдек, у “деструктив ахборот”дан



фойдаланиб амалдаги қонунчиликка зид ҳаракатларни амалга оширишга уринувчи шахсларни тезкор аниқлаш, уларнинг ҳаракатларини фош этиш ва жавобгарлигини таъминлаш зарурлигини қайд этган. Шу билан бирга, ислохотларни рақамли ечимлар асосида изчил амалга ошириш ва бу йўналишда тегишли қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш ҳамда уларда назарда тутилган вазифаларни бажариш лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** ахборот, зарарли ахборот, салбий ахборот, деструктив ахборот, тезкор жавоб қайтариш тизими, давлат органлари ва ташкилотлари, медиамакон, жавобгарлик, ҳуқуқбузарлик, жиноят, сунъий интеллект, ахборот тизими.

### Аннотация

В статье автор рассмотрел проблему противодействия «деструктивной информации», которая искажает проводимые под руководством Главы государства реформы государственных органов и организаций и их должностных лиц и в определённых условиях угрожает национальной безопасности Республики Узбекистан. Также подчёркивается необходимость оперативного предотвращения распространения подобных материалов, умения делать правильные выводы из критических замечаний для дальнейшего ускорения реформ, а также создания современной системы противодействия политически и идеологически вредной информации на основе искусственного интеллекта.

Автор, опираясь на опыт зарубежных стран, предлагает посредством эффективного использования имеющихся ресурсов обеспечить последовательное доведение до населения в медиапространстве реальной сути реформ, осуществляемых государственными органами и их должностными лицами, и вывести этот процесс на новый уровень. Кроме того, подчёркивается необходимость оперативного выявления лиц, пытающихся использовать «деструктивную информацию» для совершения действий,



противоречащих действующему законодательству, разоблачения их деятельности и обеспечения их ответственности. Наряду с этим отмечается важность последовательного осуществления реформ на основе цифровых решений, а также принятия соответствующих законодательных актов и выполнения предусмотренных ими задач.

**Ключевые слова:** информация, вредная информация, негативная информация, деструктивная информация, система оперативного реагирования, государственные органы и организации, медиaprостранство, ответственность, правонарушение, преступление, искусственный интеллект, информационная система.

### **Annotation**

In this article, the author examines the problem of countering “destructive information” that distorts the reforms implemented by state bodies, organizations, and their officials under the leadership of the Head of State and, under certain circumstances, poses a threat to the national security of the Republic of Uzbekistan. The article emphasizes the need for the prompt prevention of the dissemination of such materials, the ability to draw correct conclusions from critical remarks in order to further accelerate reforms, and the creation of a modern system based on artificial intelligence to combat politically and ideologically harmful information.

Drawing on the experience of foreign countries, the author proposes ensuring, through the effective use of available resources, the consistent communication in the media space of the real essence of reforms carried out by state bodies and their officials, and raising this process to a new stage. The article also highlights the necessity of promptly identifying individuals who attempt to use “destructive information” to engage in actions contrary to current legislation, exposing their activities, and ensuring their accountability. In addition, it stresses the importance of carrying out reforms in a systematic manner based on digital solutions, as well as adopting the relevant legislative acts and implementing the tasks they stipulate.



**Keywords:** information, harmful information, negative information, destructive information, rapid response system, state bodies and organizations, media space, accountability, offense, crime, artificial intelligence, information system.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик эришганидан кейин жуда улкан ишлар амалга оширилди, хусусан 2017-2025 йиллар давомида **11 997** та норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва улар асосида **20** мингдан ортиқ ҳужжатлар қабул қилиниб, жами **100** мингга яқин **ижобий ишлар** амалга оширилди. Биргина, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси, Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси, “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида **ҳар бири** бўйича **мингга яқин** юксак вазифалар бажарилди. Бироқ, давлат органлари ва ташкилотларининг **ахборот хизмати** фаолияти етарлича **рақамлаштирилмаганлиги, ижтимоий тармоқларда аҳолининг кайфиятига салбий таъсир** этувчи ёки ислоҳотларнинг реал ҳолатини **бузиб кўрсатувчи ахборот билан тезкор ишлашнинг сунъий интеллект ва рақамли усулларга асосланган ечимлари қўлланилмаётганлиги**, амалга оширилаётган ислоҳотлар ва сиёсий жараёнларни “**тренд**”га чиқадиган ёки мазмунли миллий контент шаклида етказиб бериш **тизимли йўлга кўйилмаганлиги**, медиамаконда кенг жамоатчилик томонидан “**деструктив ахборот**” кенг муҳокамалардан кейин масъуллар томонидан эътибор қаратилаётганлиги Давлат раҳбари томонидан олиб борилаётган ислоҳотларнинг кейинги ривожига ва амалга оширилган ишларнинг реал ҳолатига салбий таъсир кўрсатиб, бу борадаги ишларнинг самарадорлигига путур етмоқда. Шу билан бирга, давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари ёки ахборот хизмати эътиборидан четдан қолган ижтимоий тармоқ ва мессенжерлардаги канал ва гуруҳларда кенг муҳокамаларга сабаб бўлаётган



кенг жамоатчиликнинг кўз ўнгида давлат органлари ва ташкилотларининг обрўси ва роли тушишига сабаб бўлувчи ҳамда Давлат раҳбари томонидан амалга оширилаётган ислохотларнинг реал ҳолатини бузиб кўрсатувчи ахборотлар сони кенг жамоатчиликка сиздирилаётган ҳолатлар сони кундан-кунга ошиб бормоқда. Таҳлилларга кўра, **1 млрд.дан кўпроқ дунё аҳолиси кўриши ва муҳокама қилиши мумкин бўлган** Республикамизда фаолият кўрсатаётган **11 та мобил иловада** ҳозирда “**деструктив ахборот**” муҳокама қилиниши мумкинлиги аниқланди. Эътиборлиси шуки, бу фойдаланувчиларнинг деярли **90 фоизи**, Республикамизга оид ҳолатлар бўйича **бир кунда 482 329 545 нафар шахс** ўзлари билмаган ҳолда, кибербуллинг қурбони бўлишмоқда. Бундан ташқари, **Google Play<sup>1</sup>, Play Market** дастурларидан **кўчириб олинган** 6 та мобил иловада эса, 500 млн.дан ортиқ, 10 та мобил иловада 100 млн.дан ортиқ, 6 та мобил иловада эса, 50 млн.дан ортиқ, 34 та мобил иловада эса, 10 млн.дан ортиқ, 21 та мобил иловада эса, 5 млн.дан ортиқ фойдаланувчи деструктив ахборотни муҳокама қилиши мумкин. **Кибербуллингнинг асосий предмети** бугунги кунда **ижтимоий ёки сиёсий масалалар** бўлиб турибди. 2025 йилнинг 28 август куни соат 9:35 ҳолатига Ўзбекистон Республикасининг доимий аҳолиси сони 38 000 000 кишига етганлигини инобатга олсак, **бу рақамлардан кибербуллинг қурбонлари сони 12,69 баробар кўп** эканлигига гувоҳ бўламиз<sup>2</sup>.

Ачинарлиси шуки қонунчиликда веб-сайтлар ва улардаги ахборотга оид умумий қоидалар белгиланган ва назорати қисман йўлга қўйилган, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майдаги ЎРҚ–369-сон Қонуни<sup>3</sup>, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июндаги ПФ–154-сон

<sup>1</sup> <https://play.google.com/store/games?hl=ru&pli=1>.

<sup>2</sup> [https://t.me/statistika\\_rasmiy/6256](https://t.me/statistika_rasmiy/6256).

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида” 2014 йил 5 майдаги ЎРҚ–369-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.



Фармони<sup>4</sup>, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 февралдаги 81-сон<sup>5</sup>, 2024 йил 30 декабрдаги 910-сон<sup>6</sup>, 2025 йил 31 январдаги 54-сон<sup>7</sup>, 1999 йил 26 мартдаги 137-сон<sup>8</sup>, 2006 йил 20 февралдаги 27-сон<sup>9</sup>, 2021 йил 15 июндаги 373-сон<sup>10</sup> қарорлари ва бошқа ҳужжатлар билан бу борадаги муаммолар қисман бартараф этишга оид қоидалар мавжуд холос. Бундан ташқари, ЯИДХП, давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтларида ҳам мурожаат қолдириш имконияти яратилган, бироқ ушбу мурожаатлар мурожаат сифатида эмас, балки одатда хабар сифатида кўриб чиқилмоқда, қолаверса, ушбу хабарнинг амалда кўриб чиқилиши назорат қилинмайди. Хусусан, ҳар бир давлат хизмати Ягона интерактив давлат хизматлари порталида кўрсатилиши юзасидан буюртма ариза (заявка) қолдирилганидан кейин платформанинг юқори қисмида қонунбузилиши бўйича хабар бериш тизими йўлга қўйилган, бироқ ушбу қонун бузилиши тизими бўйича берилган хабарларга масъул ташкилот томонидан жавоб берилмайди ёки унинг назорати йўлга қўйилмаган. Бу ҳолат эса, хизматдан фойдаланувчи томонидан алоҳида мурожаат сифатида ёзма ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси орқали электрон мурожаат қолдиришига сабаб бўлмоқда. Бу ҳолатлар эса, ўз навбатида Республикамизда шахс, жамият ва

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июндаги ПФ–154-сон Фармони билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиклигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича методика // [lex.uz](http://lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

<sup>5</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 февралдаги 81-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат иштирокидаги хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналарининг расмий веб-сайтларига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом // [lex.uz](http://lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

<sup>6</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 декабрдаги 910-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат органлари ва ташкилотларининг очиклики таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган мажбуриятларга риоя этилишини масофадан мониторинг қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом // [lex.uz](http://lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

<sup>7</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 31 январдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат органларининг расмий веб-сайтлари фаолиятини “Ягона дарча” тамойили асосида Ўзбекистон Республикаси Ҳуқумати порталида йўлга қўйиш, юритиш, улардаги ахборот доқзарблиги ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда Ҳуқумат порталида жойлаштириладиган ахборотни давлат органлари томонидан тақдим этиш тартиби тўғрисида”ги Низом // [lex.uz](http://lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

<sup>8</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 мартдаги 137-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, Интернетда тарқатиш тартиби тўғрисида”ги Низом // [lex.uz](http://lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

<sup>9</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 20 февралдаги 27-сон қарори билан давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхати // [lex.uz](http://lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

<sup>10</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 июндаги 373-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтга қўйиладиган асосий талаблар // [lex.uz](http://lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.



давлат хавфсизлигига путур етказувчи медиамакондаги ахборотга тезкор жавоб қайтаришнинг стратегик тизими жорий этиш зарурлигини кўрсатмоқда. Хорижий давлатларда, хусусан, **ЖАРда** 2025-2030 йилларга мўлжалланган Миллий коммуникациялар стратегияси концепцияси<sup>11</sup> орқали **GCIS – Media Rapid Response (Government Communication and Information System)** тизими (**GCIS**) жорий этилган бўлиб, у матбуот, босма, радио, видео ва ижтимоий тармоқларда пайдо бўлаётган деструктив ахборотни мониторинг қилади, тезкор коммуникация ва расмий жавоблар, медиа-аналитика, тарғибот акцияларни ташкил этади ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот хизмати ушбу тизим орқали расмий веб-сайт ва ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлардаги хабарларга тезкор жавоб бериш тизимини амалга оширади, ахборот ягона базада қайта ишланиши орқали ахборотнинг кенг тарқалиб кетишининг олди олинган ҳамда шу орқали кенг мунозарали (деструктив ахборот) хабарларни топиш, унга муносабат бериш тизими йўлга қўйилган<sup>12</sup>, **Буюк Британияда** дезинформацияни тезкорлик билан аниқлаш ва унга муносабат беришга оид **GCS – Government Communication Service** (аввал **Rapid Response Unit** мавжуд эди) тизими<sup>13</sup> йўлга қўйилган бўлиб, у орқали кенг аудиториялар ва уларнинг фойдаланувчилари ҳақидаги маълумотлар мунтазам равишда йиғилади, қайта ишланади, яхши ғоялар ва фикр-мулоҳазалар ҳамда мунозарали ахборот субъектларига жавоб чоралари кўриб борилади<sup>14</sup>. Шунингдек, жамоатчиликка очик манбалардан, жумладан, ижтимоий тармоқлардан олинган маълумотларни таҳлил қилиш орқали дезинформация ва манипуляция ҳолатларини аниқлаш ва уларга жавоб қайтаришга мўлжалланган **Counter Disinformation Unit (CDU)** - Дезинформацияга қарши кураш бўлими фаолияти йўлга қўйилган<sup>15</sup>,

<sup>11</sup> <https://www.gov.za/documents/other/national-communication-strategy-framework-2025-2030-26-feb-2025>.

<sup>12</sup> <https://www.gcis.gov.za/content/about-us/chief-directorates/media-rapid-response/>

<sup>13</sup> [https://www.gov.uk/government/news/fact-sheet-on-the-cdu-and-rru?.](https://www.gov.uk/government/news/fact-sheet-on-the-cdu-and-rru?)

<sup>14</sup> [https://gcs.civilservice.gov.uk/about-us/what-we-do/.](https://gcs.civilservice.gov.uk/about-us/what-we-do/)

<sup>15</sup> <https://www.gov.uk/government/news/fact-sheet-on-the-cdu-and-rru>.



**Францияда** оммавий ахборот ва онлайн муҳитдаги фикр-муҳоазаларни (интернет, форумлар, ижтимоий тармоқлар) кузатиш, креатив/стратегик коммуникациялар, медиа-анализ ва тезкор хабарларга жавоб беришга мўлжалланган Service d'Information du Gouvernement (SIG) фаолияти йўлга қўйилган<sup>16</sup>. Шунингдек, **Францияда** хорижий рақамли аралашувларга қарши кузатув ва ҳимоя хизмати деб аталувчи VIGINUM жорий этилган ва у хорижий давлатлар ёки улар билан боғлиқ ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган, жамоатчилик фикрига таъсир ўтказишга қаратилган рақамли ахборот манипуляцияларини аниқлаш билан шуғулланади<sup>17</sup>, **Германияда** федерал ҳукуматнинг омма билан алоқалари, матбуот билан ишлар, ахборот тарқатиш ва оммавий муҳитни кузатиш (жумладан онлайн омма фикрини билишга мўлжалланган Presse- und Informationsamt / Federal Press Office (BPA) тизими яратилган<sup>18</sup>. Шунингдек, Германиянинг Netzwerkdurchsetzungsgesetz (NetzDG) – Тармоқларни тартибга солиш қонунига кўра, йирик ижтимоий тармоқлар (Facebook, X, YouTube) ўз платформаларидаги очиқ-ойдин ноқонуний контентни (масалан, нафрат нутқи) аниқлангандан сўнг **24 соат ичида ўчириб ташлаши шарт**<sup>19</sup>, **Филлипинда** яратилган фуқароларнинг тезкор шикоятлари, давлат хизматлари, мансабдор шахслар фаолияти, ижтимоий тармоқлардан келган мурожаатлар **24/7 режимида қабул қилишга** ва тегишли идораларга йўналтиришга ҳамда энг муҳими **72 соат** ичида жавоб қайтариш зарур бўлган 8888 Citizens' Complaint Center (Presidential Hotline) тизими йўлга қўйилган. Ушбу тизим шунчалик яхши йўлга қўйилганки фуқаролар телефон, веб-сайт, электрон почта ёки смс орқали мурожаат ҳам қолдиришлари мумкин<sup>20</sup>, **Австралияда** АСМА (Australian Communications and Media Authority) - Алоқа ва медиа органи ташкил этилган бўлиб, у рақамли

<sup>16</sup> <https://www.info.gouv.fr/organisation/service-d-information-du-gouvernement-sig>.

<sup>17</sup> <https://www.sgdsn.gouv.fr/viginum>.

<sup>18</sup> <https://www.bundesregierung.de/breg-en/federal-government/federal-press-office?>

<sup>19</sup> [https://www.bmj.de/DE/Themen/FokusThemen/NetzDG/NetzDG\\_node.html](https://www.bmj.de/DE/Themen/FokusThemen/NetzDG/NetzDG_node.html).

<sup>20</sup> <https://8888.gov.ph/>.





платформалардаги (Google, Meta, TikTok ва б.) дезинформация ва мисинформацияни назорат қилиш ҳамда ваколатли идораларга ахборот бўйича муносабат билдириш тизими яратилган<sup>21</sup>, **АҚШда** Global Engagement Center (GEC) – Глобал ҳамкорлик маркази ташкил этилган бўлиб, у хорижий давлатларнинг АҚШ ва унинг иттифоқчиларига қарши қаратилган пропагандаси ва дезинформациясини аниқлаш, таҳлил қилиш ва фош этиш билан шуғулланади<sup>22</sup>, **Бразилияда** асосан сайлов жараёнларига таъсир кўрсатувчи ёлғон ахборот, сохта янгиликлар ва зарарли ахборотга қарши курашиш, Олий Сайлов Суди (TSE) томонидан йўлга қўйилган ва кўплаб ижтимоий платформалар билан ҳамкорлик қилишга мўлжалланган Programa de Enfrentamento à Desinformação (Дезинформацияга қарши кураш дастури) йўлга қўйилган<sup>23</sup>, **Ж. Кореяда** теле-, радиоэшиттириш ва интернетда тарқатиладиган контентнинг, жумладан, ёлғон ахборот ва дезинформациянинг жамоатчиликка ва ахлоқ меъёрларига мослигини назорат қилиш ва тартибга солиш мақсадида Korea Communications Standards Commission (KCSA) – Корея Алоқа Стандартлари Комиссияси фаолияти йўлга қўйилган<sup>24</sup>, **Канадада** The Canadian Centre for Cyber Security – Киберхавфсизлик бўйича Канада маркази фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уКанаданинг демократик жараёнларига рақамли таҳдидларни, жумладан, хорижий кучларнинг дезинформация кампанияларини кузатиш ва таҳлил қилиш билан шуғулланади<sup>25</sup>, **Латвияда** НАТО томонидан NATO Strategic Communications Centre of Excellence (NATO StratCom COE) ташкил этилган бўлиб, стратегик коммуникациялар ва дезинформацияга қарши кураш бўйича тадқиқотлар олиб боради, тренинглар ўтказиши ва НАТОга аъзо давлатларга тавсиялар беради<sup>26</sup>, **Литвада** Debunk.eu

<sup>21</sup> <https://www.acma.gov.au/digital-platforms-and-misinformation>.

<sup>22</sup> <https://www.state.gov/gec/>.

<sup>23</sup> <https://www.tse.jus.br/imprensa/noticias-tse/2024/Marco/programa-de-enfrentamento-a-desinformacao-completa-cinco-anos-de-atuacao>.

<sup>24</sup> <https://www.kocsc.or.kr/eng/main.php>.

<sup>25</sup> <https://cyber.gc.ca/en/guidance/disinformation>.

<sup>26</sup> <https://stratcomcoe.org/>.



– Давлат-хусусий шериклик модели яратилган бўлиб, у сунъий интеллект ёрдамида дезинформацияни тезкор аниқлайди ва таҳлил қилади. Давлат институтлари, медиа ва фуқаролик жамияти билан ҳамкорликда ишлайди<sup>27</sup>, **Сингапурда** Онлайн ёлғон ва манипуляциялардан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун идораси сифатида POFMA Office ташкил этилган бўлиб, у “Онлайн ёлғон ва манипуляциялардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун ижросини таъминлайди. Ёлғон маълумотларга нисбатан тузатишлар бериш ёки олиб ташлаш бўйича кўрсатмалар чиқаради<sup>28</sup>, **Тайванда** Taiwan FactCheck Center (TFC) – Тайван Фактларни Текшириш Маркази Хукуматга қаршли бўлмаган, лекин мамлакатда дезинформацияга қарши курашда муҳим ўрин тутадиган мустақил ташкилот бўлиб, у жамоатчилик учун муҳим бўлган шубҳали хабарлар ва маълумотларнинг ҳаққонийлигини текширади<sup>29</sup>, **Швецияда** Myndigheten för psykologiskt försvar (Psychological Defence Agency) – Психологик мудофаа агентлиги ташкил этилган бўлиб, у Швецияга ва унинг манфаатларига қаратилган ноўрин ахборот таъсирини, дезинформация ва бошқа ёлғон маълумотларни аниқлаш ва уларга қарши туриш билан шуғулланади ҳамда жамиятнинг турли таҳдидларга нисбатан чидамлилигини оширишга хизмат қилади<sup>30</sup>.

Ўзбекистон Республикасида ҳам ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича бир қатор ижобий ислоҳотлар амалга оширилган, хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 ноябрдаги 555-сон қарори билан **Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази ташкил этилган**<sup>31</sup>. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 28 июндаги 132-сон қарори билан босма ва китоб, телерадио-, аудиовизуал маҳсулотлар ва **Интернет тармоғи ахборот**

<sup>27</sup> <https://www.debunk.eu/>.

<sup>28</sup> <https://www.pofmaoffice.gov.sg/>.

<sup>29</sup> <https://tfc-taiwan.org.tw/>.

<sup>30</sup> <https://www.mpi.se/en/>.

<sup>31</sup> Ўзбекистон Республикасида ҳам ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича бир қатор ижобий ислоҳотлар амалга оширилган, хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг “Оммавий коммуникациялар соҳасида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2004 йил 24 ноябрдаги 555-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.



ресурсларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш соҳасида қонунчиликка риоя қилиниши устидан **Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича маркази томонидан тизимли мониторинг олиб бориш**, Марказ ҳамда Ахборот ва коммуникациялар соҳасидаги эксперт комиссиясининг вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиши тартибини белгиланган<sup>32</sup>. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 августдаги 228-сон қарори билан **Ахборот ва коммуникациялар соҳасидаги эксперт комиссияси ташкил этилган** ҳамда унинг низоми ва таркиби тасдиқланган<sup>33</sup>. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 сентябрдаги 707-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборот мавжуд бўлган Интернет тармоғи веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифаларидан фойдаланишни чеклаш тартиби тўғрисида низом, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборот мавжуд бўлган Интернет тармоғи веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифаларидан фойдаланишни чеклаш схемаси, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсга доир маълумотларига ишлов беришнинг алоҳида шартларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом, веб-сайт, веб-сайт ва (ёки) мессенжер саҳифаси эгаси, шунингдек блогерга Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборотларни олиб ташлаш тўғрисида **хабарнома юбориш тартиби тасдиқланган**<sup>34</sup>. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 сентябрдаги ПҚ–4452-сон қарори билан Ўзкомназорат қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини

<sup>32</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 28 июндаги 132-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида босма ва китоб, телерадио-, аудиовизуал маҳсулотлар ва Интернет тармоғи ахборот ресурсларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш соҳасида қонунчиликка риоя қилиниши устидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида”ги Низом // [lex.uz](http://lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

<sup>33</sup> Вазирлар Маҳкамасининг “Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 5 августдаги 228-сон қарори // [lex.uz](http://lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

<sup>34</sup> Вазирлар Маҳкамасининг “Бутунжаҳон Интернет тармоғида ахборот хавфсизлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 5 сентябрдаги 707-сон қарори // [lex.uz](http://lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.



таъминлаш масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан ҳамкорлик қилади, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларини бузган ахборот соҳаси субъектларига нисбатан белгиланган тартибда чоралар кўради, деб белгиланган<sup>35</sup>. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 июлдаги ПФ–111-сон Фармони билан **Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги тугатилди** ҳамда унинг ахборот соҳасида назорат ва мониторинг бўйича вазифа ва функциялари **Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекциясига ўтказилди**<sup>36</sup>. Мазкур ҳужжатлардаги барча жараёнлар бўйича давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти анъанавий усулларда амалга оширилади. Хусусан, Ўзкомназоратда бугунги кунда “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимидан ўзга ахборот тизимидан ўзга расмий равишда бошқа ахборот тизимлари фаолияти йўлга қўйилмаган. **Унинг ахборот маконини назорат қилишга ихтисослаштирилган махсус тизимлари мавжуд эмас.**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг барқарорлиги ва узлуксизлигини таъминлаш, жамиятда юз бераётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ҳамда амалий натижаларини кенг жамоатчиликка тўлиқ ва холис етказиш, давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот хизмати фаолиятини рақамлаштириш, аҳоли онги ва ижтимоий кайфиятида шаклланиши мумкин бўлган салбий таъсирларга ўз вақтида муносиб жавоб қайтариш, ислоҳотларнинг ҳақиқий ҳолатини бузиб кўрсатувчи ахборотларга қарши

<sup>35</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 14 сентябрдаги ПҚ–4452-сон қарори // [lex.uz](http://lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

<sup>36</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бошқаруви тизимида самарадорлик, проактивлик ва натижадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 14 июлдаги ПФ–111-сон Фармони // [lex.uz](http://lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.



самарали тизим яратиш ҳамда жамоатчилик фикрини мунтазам ва тизимли тарзда ўрганиб бориш орқали “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган устувор йўналиш ва вазифаларни тўлақонли рўёбга чиқариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидагиларни назарда тутувчи **“Шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига путур етказувчи медиамакондаги ахборотга тезкор жавоб қайтаришнинг стратегик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармони қбул қилиш таклиф қилинади:

1) ушбу Фармоннинг асосий мақсади Шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига путур етказувчи медиамакондаги ахборотга тезкор жавоб қайтаришнинг стратегик тизимини жорий этиш этиб белгилаш;

2) давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларининг фаолиятига доир ахборотга медиамаконда тезкор жавоб қайтаришнинг стратегик тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

3) Қуйидагиларни белгилаш:

(а) Давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларининг фаолиятига доир ахборотга медиамаконда тезкор жавоб қайтаришнинг стратегик тизими ахборот ва киберхавфсизлик талабларига жавоб берувчи сунъий интеллектга асосланган “Рақамли жамоатчилик” идоралараро комплекс ҳамкорлик ахборот-коммуникация тизими (кейинги ўринларда “Рақамли жамоатчилик” ахборот тизими деб юритилади) орқали амалга оширилади;

(б) “Рақамли жамоатчилик” ахборот тизими веб-сайт, ижтимоий тармоқ ва мессенжерлардаги ахборотни сунъий интеллект, автоматлаштирилган тизимлар ва анъанавий усуллар орқали кенг жамоатчиликнинг кайфиятига салбий таъсир этувчи ёки ислохотларнинг реал ҳолатини бузиб кўрсатувчи ахборот (кейинги ўринларда **деструктив ахборот** деб юритилади) бўйича тезкорлик билан жавоб қайтариш тизими ҳисобланади;



(в) “Рақамли жамоатчилик” ахборот тизими Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан ишлаб чиқилади ва синов тариқасида дастлаб **вазирликлар** фаолиятида йўлга қўйилади;

(г) “Рақамли жамоатчилик” ахборот тизимининг **эгаси** Рақамли технологиялар вазирлиги, **махсус фойдаланувчилари** Ахборот ва оммавий коммуникациялар соҳасидаги эксперт комиссияси, Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази, давлат органлари ва ташкилотлари тизимида давлат улуши бўлган ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар барча органлар, ташкилотлар, корхоналар ва муассасалар (кейинги ўринларда **давлат органлари ва ташкилотлари** деб юритилади) раҳбари ва ахборот хизмати ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс, Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекцияси, уз. Домени маъмури, рўйхатдан ўтказувчилар, оператор ва провайдерлар ҳисобланади;

(д) “Рақамли жамоатчилик” ахборот тизими **24/7 режимда ишлайди** ва унда шаклланган ҳамда у орқали юборилган ахборот ва материаллар тегишли унга жавоб қайтариш тезкорлигига кўра, **қизил** режимда 24 соат, **сарик** режимда 48 соат ва **яшил** режимда 72 соатдан кечикмасдан тегишли давлат органи ёки ташкилоти томонидан кўриб чиқилиб, натижаси тизимга киритилади;

4) Рақамли технологиялар вазирлиги “Рақамли жамоатчилик” идоралараро комплекс ҳамкорлик ахборот-коммуникация тизими (кейинги ўринларда “Рақамли жамоатчилик” ахборот тизими деб юритилади) фаолиятини тўлиқ ва самарали йўлга қўйиш мақсадида:

(а) манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда Ягона интегратор “Uzinfocom” МЧЖ билан биргаликда **беш ой муддатда** ахборот ва киберхавфсизлик талабларига жавоб берувчи сунъий интеллектга асосланган



“Рақамли жамоатчилик” ахборот тизимини ишлаб чиқсин ва синов тариқасида дастлаб **вазирликлар** фаолиятида амалиётга жорий этиш;

(б) **олти ой муддатда** “Рақамли жамоатчилик” ахборот тизими орқали Ахборот ва оммавий коммуникациялар соҳасидаги эксперт комиссияси, Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази, Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекцияси, Ички ишлар вазирлиги, uz. Домени маъмури, рўйхатдан ўтказувчилар, оператор ва провайдерлар ҳамда бошқа ташкилотларнинг ахборотга оид фаолияти тўлиқ рақамлаштирилишини таъминлаш;

(в) Солиқ қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда етти ой муддатда Солиқ органларининг электрон давлат хизматлари портали ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳамда электрон смс-хабарнома юбориш тизими, Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида ягона электрон иш юритув тизими, “Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика” ягона ахборот тизими билан тўлиқ интеграция қилинишини, зарур маълумотларни реал вақт режимида тезкор равишда “Рақамли жамоатчилик” ахборот тизимидан туриб амалга оширишнинг техник имкониятини яратиш;

(г) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **бир йил муддатда** “Рақамли жамоатчилик” ахборот тизими тўлиқ ишга тушириш;

5) Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекциясига:

(а) икки ой муддатда “Рақамли жамоатчилик” ахборот тизимида қайси вақтда шахсий кабинет яратилиши ва уланиши зарур бўлган ташкилотлар рўйхатини тасдиқлаш ва кенг оммага маълум қилинишини таъминлаш;

(б) тасдиқланган график асосида ўз вақтида Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази, ташкилий-ҳуқуқий қатъий назар давлат иштирокидаги барча орган ва ташкилотлар, uz. Домени маъмури, рўйхатдан ўтказувчилар, оператор ва провайдерлар “Рақамли жамоатчилик” ахборот



тизимига мажбурий уланишини назорат қилсин ва ушбу Фармон талабларининг бажарилиши бўйича мунтазам равишда Президент Администрациясига ахборот киритиб бориш юзасидан топшириқ бериш;

б) “Рақамли жамоатчилик” ахборот тизимида қуйидагиларни йўлга қўйиш:

(а) давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизими, расмий веб-сайти, ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлардаги саҳифалари кўрсатилиб, ушбу тизимдан фойдаланиб, рақамли излари сақланган ҳолда, давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизими, расмий веб-сайти, ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлардаги саҳифалари учун рақамли излари сақлаш ва ҳисоби юритилишини таъминлаган ҳолда, **ахборотни яратиш, жойлаштириш, таҳрирлаш, ўзгартириш, ўчириш ва тарқатиш;**

(б) **реал вақт режимида жисмоний ва юридик шахслар, махсус фойдаланувчиларга жамиятда кўтарилаётган саволлар ва муаммоларни аниқлаб, улар деструктив ахборотга айланмасидан олдин давлат органлари ва ташкилотлари расмий тушунтириш ва маълумот беришини рағбатлантириш механизми бўйича мурожаат ва хабар қолдириш, уни кўриб чиқиш ҳолатини текшириш ва натижасини олиш;**

(в) тизим эгаси ва махсус фойдаланувчилар ўзларининг шахсий кабинет орқали ўзаро ахборот алмашиш, тегишли ахборотни унга жавоб қайтариш тезкорлигига кўра, **қизил, сарик, яшил даражаларга** бўлиш орқали веб-сайт, ижтимоий тармоқлар ва мессенжерларда деструктив ахборот ёки давлат органи ва ташкилоти фаолиятига алоқадор масала бўйича жойлаштирилган ахборотни олиш, таҳлил қилиш ва унга тезкорлик билан муносабат билдириш;

(г) қонун бузилишига сабаб бўлувчи субъектларга қонун бузилишини бартараф этиш учун хабарнома ва кўрсатмаларни параллел шаклда Ягона интерактив давлат хизматлари портали, Солиқ органларининг электрон давлат хизматлари портали орқали ёки оператордан олинган ёки бошқа





усуллар орқали аниқланган телефон рақамига бепул электрон смс хабарнома шаклида юбориш;

(д) веб-сайт, ижтимоий тармоқ ва мессенжерлардаги деструктив ахборотни аниқлаш, таҳлил қилиш;

(е) мурожаат ва хабарларни қабул қилиш, Ахборот ва коммуникациялар соҳасидаги эксперт комиссияси ёки Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази хулосасини ҳамда қонун бузилишини бартараф этиш бўйича Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекциясининг кўрсатмасини шакллантириш;

(ж) тизимга жойлаштирилган Ахборот ва коммуникациялар соҳасидаги эксперт комиссияси ёки Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази хулосаси ҳамда қонун бузилишини бартараф этиш бўйича Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекциясининг кўрсатмаси асосида тегишли субъектларнинг зарур ҳаракатларни амалга ошириш тартиби;

(з) қонун бузилишига йўл қўйган субъектларни аниқлаш, суд ёки бошқа маъмурий орган қарорлари билан айбдор деб топилганидан кейин уларнинг қилмишлари назарда тутилган чекланган ахборотнинг ягона реестрини юритиш;

(к) қонун бузилишига йўл қўйган субъектларга маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорни тузиш, жиноят аломатлари бўлган тақдирда терговга юбориш ва терговнинг ҳар босқичи ва суд қарори натижаларини эълон қилиш;

(л) деструктив ахборот вужудга келишига сабаб бўлувчи омиллар, Давлат раҳбари ва бошқа мансабдор шахслар томонидан келгусида амалга ошириши зарур бўлган ислоҳотлар ва амалга оширилган ҳар бир ислоҳотларнинг жамоатчилик томонидан шаффоф баҳоланиши бўйича **реал вақт режимида ижтимоий сўровлар ўтказиш**, натижасини эълон қилиш, **аҳолини**



қийнаётган энг кўп ва тизимли масалаларни Давлат раҳбарига киритиш имконияти.

7) Рақамли технологиялар вазирлиги ва Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекцияси:

(а) **хар чоракда кейинги ойнинг 10 санасига қадар** “Рақамли жамоатчилик” ахборот тизими орқали кенг жамоатчиликнинг кайфиятига салбий таъсир этувчи аниқланган ахборот, унинг вужудга келиш сабаблари ва муаммони бартараф этишга қаратилган проактив чоралар, шу жумладан, Давлат раҳбари ва бошқа идоралар раҳбарларига киритилган ва ҳал этилган масалалар бўйича ҳисоботи очик манбаларда мажбурий эълон қилиб бориши;

(б) кенг жамоатчилик қонун бузилишига йўл қўйилган ахборотни тарқатган субъектлар ва уларнинг қилмишлари ҳақидаги маълумотлар билан “Рақамли жамоатчилик” ахборот тизими ва ундаги маълумотлар асосида **оммавий ахборот воситалари орқали** хабардор қилиш тизими йўлга қўйиши юзасидан топшириқ бериш;

8) қуйидагиларни белгилаб қўйиш:

(а) **2026 йил 1 августдан бошлаб** давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизмати “Рақамли жамоатчилик” ахборот тизимидан фойдаланиб ташкилот фаолиятига оид ҳар қандай материаллар ва ахборотни аудио, видео, матнли, графикли ва бошқа усулларда тўлиқ яратиш ва қайта ишлаш имкониятига эга бўлиш;

(б) “Рақамли жамоатчилик” ахборот тизимида яратиладиган ахборот видео, аудио, матн, графикли ва бошқа шаклларда кенг жамоатчилик учун қулай бўлган тил ва усулларда тайёрланиши, давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизими, расмий веб-сайти, ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлардаги саҳифалари уланиши ҳамда узлуксиз ишлаши учун масъулият давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарларининг зиммасида эканлигини назарда тутиш;



(в) “Рақамли жамоатчилик” ахборот тизимидан фойдаланмаган ва рақамли излар сақланишини таъминланмаган ҳолда, давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизмати ёки бошқа мансабдор шахслар ушбу ташкилотнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлардаги саҳифасидаги ахборотни яратишлари, таҳрирлашлари ва ўчириб ташлашлари тақиқлаш;

(г) “Рақамли жамоатчилик” ахборот тизимида медиаконда бўлаётган деструктив ахборот ҳақидаги маълумотларнинг ўз вақтида киритилиши учун давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари ва ахборот хизмати масъул саналади ва ушбу талабнинг бузилиши қонунчиликда белгиланган чоралар қўлланилишига сабаб бўлишини назарда тутиш;

(д) Давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизмати ходимларининг иш самарадорлигининг **30 фоизи** мажбурий равишда унинг “Рақамли жамоатчилик” ахборот тизимида деструктив ахборот ёки унга оид материалларни юбориш, олиш, ушбу ахборот асосида зарур ҳаракатларни амалга ошириш ва натижасини кенг жамоатчиликка маълум қилиш орқали баҳоланишини кўрсатиш.

(е) Давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизмати ўтказиладиган ҳар бир брифингда алоҳида йўналиш сифатида деструктив ахборот бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида кенг жамоатчиликка хабар бериб боришини акс эттириш;

(ж) давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти, сиёсий жараёнлар реал вақт режимида “Рақамли жамоатчилик” ахборот тизими орқали амалга оширилади;

9) Рақамли технологиялар вазирлиги икки ой муддатда ушбу Фармондан келиб чиқиб, давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизмати ходимларининг иш самарадорлигини баҳолаш мезонларини қайта кўриб



чиқсин ва замонавий иш услубларини қўллаш орқали ахборот хизматлари фаолияти баҳоланишини йўлга қўйиш;

10) қуйидагиларни белгилаш:

(а) “Рақамли жамоатчилик” ахборот тизими орқали Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази ҳамда Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекцияси **доимий равишда** иловага мувофиқ ахборот ресурсларини мониторинг ва назорат қилиб боради;

(б) “Рақамли жамоатчилик” ахборот тизимидаги ахборот алмашинувига оид жараёнлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланган сўз ва ахборот олиш эркинлигини чеклаш учун асос бўла олмайди;

(в) давлат органи ва ташкилоти ҳамда унинг мансабдор шахси фаолиятидаги камчиликларни аниқ фактлар ва далилларга асосланган ҳолда ёритиш, гарчи у салбий тусда бўлса-да, **“асосли танқид”** деб ҳисобланади ва унга нисбатан ушбу Фармонда белгиланган **чеклов чоралари қўлланилмайди** ва **сензурага** йўл қўйилмайди;

(г) Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига оид **“асосли танқидий фикрлар”** деструктив ахборот сифатида таснифланмайди ва у қонунчилик билан белгиланган мезонларга кўра, “Рақамли жамоатчилик” ахборот тизимида Ахборот ва коммуникациялар соҳасидаги эксперт комиссияси ёки Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази хулосаси ҳамда Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекцияси кўрсатмасини шакллантирилишида **мажбурий инобатга олинади**;

(а) ҳуқуқбузарга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор тузиш ёки айбдорга жинойий жазо қўллашда маъмурий органлар ва суд учун “Рақамли жамоатчилик” ахборот тизимида тўпланган материаллар далил саналади;

11) Вазирлар Маҳкамаси, ДХХ, Ташқи ишлар вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Адлия вазирлиги **уч ой муддатда** медиамаконда



хорижий давлатлардан туриб деструктив ахборот тарқатиш орқали олиб борилаётган ислохотларни бузиб кўрсатишга ҳаракат қилаётган субъектлар ва ҳолатларга нисбатан халқаро ҳужжатлар ва киберхавфсизлик талаблари бўйича зарур чоралар кўрилиши концепциясини Президент Администрациясига киритиш бўйича топширқи бериш;

12) Вазирлар Маҳкамасига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

(а) икки ой муддатда **Ахборот ва коммуникациялар соҳасидаги эксперт комиссияси таркибига** мажбурий равишда **фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва мустақил экспертлар ҳам киритилишини** назарда тутган ҳолда, Ахборот ва коммуникациялар соҳасидаги эксперт комиссиясининг янгиланган таркибининг тузиш;

(б) тўрт ой муддатда Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти билан биргаликда қонунчиликка “деструктив ахборот”, “асосли танқид”, “ижтимоий тармоқ” тушунчаларини киритиш ҳамда ушбу Фармон талабларидан келиб чиқиб, қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар;

(в) олти ой муддатда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг “Кибербуллингга қарши курашиш тўғрисида”ги, “Киберагрессия тўғрисида”ги қонунларини Президент Администрациясига киритиш бўйича топшириқ бериш.

Ушбу Фармоннинг қабул қилиниши натижасида давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот хизмати фаолияти такомиллашади, давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот хизмати ўзбошимчалик билан эмас, балки тизимли асосда давлат органлари ва ташкилотлари томонидан олиб борилаётган ислохотларни аҳолига тизимли етказиб бориш имкониятига ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот хизмати контент учун



зарур ахборотни ягона ахборот тизимида турли шакллар ва усулларда яратиш, ўзгартириш, бекор қилиш, олиб ташлаш, таҳрирлаш ва бошқа имкониятларга эга бўлади, кибермаконда бўлаётган коррупциявий ҳаракатларнинг рақамли излари вужудга келади ва шу орқали киберкоррупция фош этилади, медиамаконда бўлаётган асосли танқидий фикрлар асосида давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолияти ҳақида кенг жамоатчилик ва юқори турувчи органлар ва мансабдор шахслар зарур ахборотга эга бўлишади, зарур танқидий фикрларга асосланган ахборот асосида тегишли соҳа, тармоқ ёки йўналиш ёхуд масала ўзининг қонуний ва асосли ечимини топиш имконияти яратилади, сунъий интеллект асосида дезинформация ва деструктив ахборот аниқланади, рақамли усуллар орқали ушбу ахборотнинг деструктив ахборотлиги бўйича қонунчиликдаги мезонларга тушишини аниқлашнинг замоний усули йўлга қўйилади, “деструктив ахборот” асосида Давлат раҳбари ва мансабдор шахслар томонидан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳаққоний ечимларини аҳолига бузуиб кўрсатишга ҳаракат қилаётган шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари фош этилади, қонун бузилиши ҳолатлари олди олинади, ҳар бир қонун бузилиши бўйича жавобгарлик муқаррарлиги таъминланади, мавжуд “ҳуқуқий бўшлиқ” тўлдирилиб, шу кунга қадар анъанавий усулда амалга оширилаётган ва тизимнинг амалда ишлаётганлигини кўриш имкони бўлмаган масалалар сунъий интеллектга асосланган ягона ахборот тизими орқали амалда ишлаётганлигини ёки ишламаётганлигини ёхуд етарлича ишламаётганлигини билиш ҳамда зарур ислоҳотларни тезкорлик билан амалга ошириш имконияти яратилади, асосли танқидий фикрлар асосида жамоатчилик назорати институтининг ривожланиши янги босқичга олиб чиқилади, анъанавий усулларда амалга оширилаётган вазифалар рақамли кўринишга ўтказилади, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига путур



етказувчи медиамакондаги ахборотга тезкор жавоб қайтаришнинг стратегик тизимини жорий этилади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <https://play.google.com/store/games?hl=ru&pli=1>.
2. [https://t.me/statistika\\_rasmiy/6256](https://t.me/statistika_rasmiy/6256).
3. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 февралдаги 81-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат иштирокидаги хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналарининг расмий веб-сайтларига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом // [lex.uz](http://lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
4. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 31 январдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат органларининг расмий веб-сайтлари фаолиятини “Ягона дарча” тамойили асосида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати порталида йўлга қўйиш, юритиш, улардаги ахборот долзарблиги ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда Ҳукумат порталида жойлаштириладиган ахборотни давлат органлари томонидан тақдим этиш тартиби тўғрисида”ги Низом // [lex.uz](http://lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
5. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 мартдаги 137-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, Интернетда тарқатиш тартиби тўғрисида”ги Низом // [lex.uz](http://lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
6. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 20 февралдаги 27-сон қарори билан давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат



органлари рўйхати // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 июндаги 373-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтига қўйиладиган асосий талаблар // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

8. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида” 2014 йил 5 майдаги ЎРҚ–369-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июндаги ПФ–154-сон Фармони билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича методика // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 декабрдаги 910-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган мажбуриятларга риоя этилишини масофадан мониторинг қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

11. <https://www.gov.za/documents/other/national-communication-strategy-framework-2025-2030-26-feb-2025>.

12. <https://www.gcis.gov.za/content/about-us/chief-directorates/media-rapid-response/>.

13. [https://www.gov.uk/government/news/fact-sheet-on-the-cdu-and-rru?.](https://www.gov.uk/government/news/fact-sheet-on-the-cdu-and-rru?)

14. <https://gcs.civilservice.gov.uk/about-us/what-we-do/>.

15. <https://www.gov.uk/government/news/fact-sheet-on-the-cdu-and-rru>.





16. <https://www.info.gouv.fr/organisation/service-d-information-du-gouvernement-sig>.
17. <https://www.sgdsn.gouv.fr/viginum>.
18. <https://www.bundesregierung.de/breg-en/federal-government/federal-press-office?>.
19. [https://www.bmj.de/DE/Themen/FokusThemen/NetzDG/NetzDG\\_node.html](https://www.bmj.de/DE/Themen/FokusThemen/NetzDG/NetzDG_node.html).
20. <https://8888.gov.ph/>.
21. <https://www.acma.gov.au/digital-platforms-and-misinformation>.
22. <https://www.state.gov/gec/>.
23. <https://www.tse.jus.br/imprensa/noticias-tse/2024/Marco/programa-de-enfrentamento-a-desinformacao-completa-cinco-anos-de-atuacao>.
24. <https://www.kocsc.or.kr/eng/main.php>.
25. <https://cyber.gc.ca/en/guidance/disinformation>.
26. <https://stratcomcoe.org/>.
27. <https://www.debunk.eu/>.
28. <https://www.pofmaoffice.gov.sg/>.
29. <https://tfc-taiwan.org.tw/>.
30. <https://www.mpi.se/en/>.
31. Ўзбекистон Республикасида ҳам ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича бир қатор ижобий ислохотлар амалга оширилган, хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг “Оммавий коммуникациялар соҳасида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2004 йил 24 ноябрдаги 555-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
32. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 28 июндаги 132-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида босма ва китоб, телерадио-, аудиовизуал маҳсулотлар ва Интернет тармоғи ахборот ресурсларини ишлаб



чиқариш ва тарқатиш соҳасида қонунчиликка риоя қилиниши устидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

33. Вазирлар Маҳкамасининг “Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 5 августдаги 228-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

34. Вазирлар Маҳкамасининг “Бутунжаҳон Интернет тармоғида ахборот хавфсизлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 5 сентябрдаги 707-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 14 сентябрдаги ПҚ–4452-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бошқаруви тизимида самарадорлик, проактивлик ва натижадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 14 июлдаги ПФ–111-сон Фармони // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.